Majburiy bepul nusxa

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2010 йил 15 декабрь, № 240 (5155) Чоршанба

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 2 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2010 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган **«Табиий монополиялар тўғрисида»**ги 398–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган 815–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 591-модда) **4-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 14 декабрь
№ ЎРҚ—266

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ

*Барчамиз ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кунни катта тантана ва хурсандчилик билан қарши оламиз. Чунки мустақиллик йилларида қўлга киритаётган ютуқларимиз, Ватанимизнинг юксалиб бораётган куч-қудрати, салоҳияти ва халқаро майдондаги обрў-эътибори, тинч-осойишта ҳаётимиз, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончимиз, қисқаси, кўзлаган марраларимизга эришиш йўлидаги муваффақиятларимизнинг ҳар бирида айнан Асосий Қонунимиз муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилаётир.*

**Таҳлил**

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб, кириб келаётган ҳар қайси янги йилга ном бериш, шундан келиб чиққан ҳолда, алоҳида Давлат дастури қабул қилиш ва белгилаб олинган вазифаларни изчил амалга ошириш ўзига хос анъанага айланган. Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимиз 2011 йилни мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилишни таклиф этдилар. Республикамизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида ўртага ташланган ушбу таклиф халқимиз томонидан зўр мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистоннинг қарийб йигирма йиллик истиқлол даврида эришган натижалари бугун халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Айниқса, давлатимиз раҳбари бошчилигида ҳаётга татбиқ қилинган тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар тўғри ва пухта эканлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам яна бир карра ўз исботини топди. 2008 — 2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мана шундай натижаларга эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).



# ИЗЧИЛ ЮКСАЛИШ КАФОЛАТИ

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали йиғилишда 2011 йилни "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилдилар. Бу барча тадбиркорлар қаторида биз, фермерларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлдики, бундан бошимиз осмонга етди.***

**Дил сўзи**

Бугунги кунда Фарғона вилоятида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми бир триллион сўмликка етиб қолди. Айниқса, фермер хўжаликларини оптималлаштириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераяпти. Хўжалигимизнинг ер майдони 168 гектардан иборат бўлиб, жорий йилда давлатга дон сотиш режасини 115 фоизга уддаладик. Қабул пунктларига 180 тонна ўрнига 225 тонна пахта топширдик. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 150 миллион сўм даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Энди ўзингиз айтинг, агар юртимизда фермерлик ҳаракатини, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бу қадар улкан эътибор қаратилмаганида, шундай юксак натижаларга эришиб бўлармиди? Мен ўз ерим, авлоддан-авлодга ўтадиган мулкимга эга бўлишим, аслида, Асосий Қонунимизда ҳуқуқ ва бурчларимиз тўла-тўкис ифодалаб берилганининг шарофати эмасми? Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида "Шуҳрат" медали билан мукофотланганимни эса вилоятнинг энг чекка ҳудудида туғилиб ўсган қишлоқ боласи учун ҳақиқий бахт, деб биламан.

Барқарор ривожланишимизга кафолат берилган экан, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилаверамиз.

**Адҳамжон УМАРҚУЛОВ,**
**Қўштепа туманидаги «Қоражийда Ровот» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

*Аввал хабар қилинганидек, Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети маъқулланди. Мамлакатимизнинг мазкур бош молиявий ҳужжати жорий йилда кутилаётган бюджет ижроси ва кейинги йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари, шунингдек, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда инвестиция, энергетика ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, жумладан, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш каби мақсадларни ўзида мужассам этган.*

# ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

### 2011 йилги Давлат бюджетининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади

**Сенатда маъқулланган**

Хусусан, келгуси йилги Давлат бюджети параметрларида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,3 фоизни ташкил қилиши, саноат маҳсулотлари 9,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 5,8 фоиз, инвестициялар ҳажми 12,1 фоиз кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, Давлат бюджетининг асосий даромад манбаи солиқ тушумлари ҳисобланади. Шу боис 2011 йилги солиқ сиёсатини шакллантиришда солиқ ва мажбурий тўловлар ставкаларини пасайтириш, солиқ тўловчиларга аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини кўпайтириш, табиий ресурслардан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган имтиёз ҳамда преференциялар бериш, шунингдек, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга алоҳида урғу берилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун ягона солиқ тўловининг базавий ставкасини амалдаги 7 фоиздан 6 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда. Бу микрофирма ва кичик корхоналарга 50 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолиш имконини беради. Ўз навбатида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича солиқ солиш шкаласининг энг кам ва ўрта ставкаларини бир фоизга камайтириш мўлжалланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, амалдаги солиқ ставкаларининг пасайтирилиши бюджет умумий даромадлари тушумига салбий таъсир кўрсатмайди. Аксинча, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг даромадлари ортиши натижасида ички истеъмол ва инвестиция ҳажми кўпайиши тахмин қилинаётир. Бунинг ҳисобига солиқ базаси кенгайиши ҳамда давлат даромадлари тушуми янада яхшиланиши таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дунёда ҳали-ҳануз давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз даврида кўпчилик давлатларнинг бюджет тақчиллиги ортаётган бир шароитда сўнгги йилларда мамлакатимизда бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш орқали аҳоли фаровонлигини босқичма-босқич юксалтиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар кўрилаётир. Бунинг натижасида 2008 — 2010 йилларда аҳоли даромадлари 2,5 баравардан зиёдроқ ортди. Келгуси йилда ҳам ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилади.

"Бюджетнома"даги яна бир жиҳат эътиборга лойиқдир. Яъни 2011 йилги Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа тадбирларини молиялаштиришга устувор даражада эътибор берилиб, мазкур мақсадларга 2010 йилдагига нисбатан 1,3 баробар кўп маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, давлатимиз сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги барча жабҳаларда кечаётган ислоҳотларда ўз аксини топмоқда. Айни чоғда мамлакатимизнинг энг муҳим молиявий ҳужжати — Давлат бюджетида ҳам ижтимоий аҳамиятга молик бўлган харажатлар, жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилаётган харажатлар нафақат ўз ўрнини қатъий сақлаб қолмоқда, балки бу кўрсаткичлар йилдан-йилга ўсиб бораётир. Мисол учун, 2005 йилда республикамизда бюджет харажатларининг 50,4 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 58,9 фоизни, 2011 йилда эса 59,5 фоизни ташкил қилиши кутилаётир.

Хабарингиз бор, Президентимизнинг жорий йил 10 ноябрдаги қарори асосида Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича жамғарма ташкил этилди. 2011 йилги Давлат бюджетида ушбу жамғарма маблағларини шакллантириш, уни сарфлашга доир масалалар ҳам ўрин олган.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

● **НУКУСда "Йил аёли — 2010" республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Якунда "Мухаллес" қорақалпоқ мусиқа асбоблари дастаси созандаси Инжигул Сабурова ғолиб деб топилди.**

● БУХОРО туманидаги "Денов" қишлоқ врачлик пункти ҳашар йўли билан таъмирланиб, "Саломатлик — 2" лойиҳаси доирасида умумий қиймати 5 миллион сўмликдан зиёд тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

● **ФАРҒОНА давлат университетида вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамда "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган "Шоҳимардон", "Бурҳониддин Марғиноний: тарихий ҳақиқат ва асотирлар", "Хазиний юрти" китобларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

● АНДИЖОНда 40,3 километрлик масофага сув қувури тортилиши натижасида вилоятдаги тўртта ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Бу мақсадлар учун 621 миллион 30 минг сўмлик маблағ сарфланди.

● **ГУЛИСТОНда Зулфия номидаги давлат мукофоти учун ўтказилаётган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Пировардида бешта йўналиш бўйича ғолиблар номи аниқланди ва уларга танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.**

● ХОНҚА туманилик тадбиркор Икром Каримов темирчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Бурдона" хусусий корхонасини ташкил қилди. Беш киши иш билан таъминланган корхонада буюртма асосида дастлабки 10 миллион сўмлик 15 турдаги маҳсулотлар тайёрланиб буюртмачиларга етказиб берилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Бир рақам шарҳи

### Экспорт ҳажми ошмоқда

***2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда озиқ-овқат товарлари экспортининг ҳажми***

**1,9**

**баравар ошди.**

*Экспортни рағбатлантириш, тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш ва республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрилгани туфайли соҳада ана шундай юқори суръатда ўсишга эришилди.*

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА



*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугунги кунда иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида яққол кўзга ташланмоқда. Бунда, хорижлик сармоядорлар билан ўрнатилаётган ҳамкорлик алоқалари, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.*

Кейинги йилларда "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси ҳамда Корея Республикасининг бир қатор компаниялари билан ҳамкорликда Устюрт кенгликларидаги "Сургил" газ-конденсат конини ўзлаштириш борасида йўлга қўйилган 1,84 миллиард АҚШ долларилик лойиҳа бўйича олиб борилаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Мазкур лойиҳага биноан, бу ерда йилига 4 миллиард кубометр табиий газни қайта ишлаш, 362 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен ва 3,7 миллиард кубометр товар ҳолатидаги табиий газ ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

**Интилиш**

Айтиш жоизки, бу борадаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, низом жамғармаси 600 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган ҳолатда томонларнинг улушлари тенг миқдорда тақсимланди. "Ўз-Кор Газ Кемикал" қўшма корхонаси лойиҳанинг мамлакатимиздаги амалга оширувчиси, деб белгиланди.

Шуниси эътиборлики, ҳозирга қадар кондан олинган газ конденсати автомобиль ёки вагонларга юкланиб, қайта ишлаш учун тегишли корхонага жўнатиларди. Эндиликда конденсат ўтказгич қурилмаси барпо этилиб, ишга туширилгач, ушбу жараён анча енгиллашади. Бу дегани маҳсулотнинг таннархи сезиларли даражада арзонлашади.

(Давоми 2-бетда).

**Яхши хабар**

***Сирдарё шаҳрида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, лойиҳа қиймати 6,1 миллиард сўмлик "Темур Мед Фарм" корхонаси иш бошлади.***

## «Темур Мед Фарм» иш бошлади

2,5 миллион АҚШ долларилик замонавий технологиялар ёрдамида ҳозир бу ерда 18 турдаги дори воситалари тайёрланмоқда.

Эътиборлиси, 60 киши иш билан таъминланган корхонада йилига 900 миллион сўмлик импорт ўрнини босувчи дори-дармон ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Фермернинг хуштаъм маҳсулотлари

*АНДИЖОН. Қўрғонтепалик тадбиркор Алижон Аҳмедов банкдан олган 75 миллион сўмлик кредити эвазига ўзи раҳбарлик қилаётган "Оқ сув" фермер хўжалигида йилига 100 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга янги технологик линияни ишга туширди.*

Яқинда корхонанинг 30 миллион сўмликдан зиёд дастлабки хуштаъм сут маҳсулотлари ички бозорга чиқарилди.

Айтиш керакки, туманда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида янги корхоналар ташкил этиш ҳисобига 2071 иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Кредитга илғор технологиялар

*СИРДАРЁ. "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан ажратилган 750 миллион сўмлик кредит ҳисобига Гулистон шаҳридаги "Савдо харид Файз" хусусий корхонасида колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.*

Бунинг учун хориждан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Ҳозир 10 киши меҳнат қилаётган корхонада кунига 6 турдаги 2 тонна колбаса маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ҳудудий лизинг кўргазмаси

*САМАРҚАНДда вилоят ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси ҳамкорлигида биринчи ҳудудий лизинг кўргазмаси ташкил этилди.*

Унда "Ўзбеклизинг интернейшнл", "China Leasing Group", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг", "Ўзавтосаноатлизинг" сингари ўттизга яқин компаниялар ҳамда лизинг асосида хориждан технологиялар олиб келишга ихтисослаштирилган корхоналар ва молия муассасалари вакиллари иштирок этди.

Кўргазма якунида 100 га яқин тадбиркор ҳамда фермерлар ўзлари учун маъқул бўлган техника ва замонавий ускуналарни харид қилиш бўйича шартномалар имзолашди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Қуёш ҳарорати билан иситилади

*БУХОРО. Шофиркон туманидаги "Ҳикмат — Ҳасан" фермер хўжалиги қошида 250 миллион сўмлик маблағ эвазига иссиқхона бунёд этилди.*

Хитойлик мутахассислар кўмагида барпо қилинган ушбу мажмуа қуёш ҳарорати билан иситилади. Биргина шунинг ўзиёқ фермерга мавсум мобайнида 40 миллион сўмлик энергияни тежаш имконини беради.

15 кишилик иссиқхона жамоаси жорий қиш мавсумида аҳоли дастурхонига 80 тоннадан зиёд полиз маҳсулотлари тортиқ қилишни режалаштирган.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАТАН РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ

**2011 йилги Давлат бюджетининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Чунончи, мазкур маблағларни умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини, шунингдек, мактабдан ташқари таълим ва маданий-маърифий муассасалар негизида "Баркамол авлод" марказларини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилаётган давлат дастури ижросини таъминлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган бюджет маблағлари жами харажатларнинг 13,1 фоизини ташкил қилаётганини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Бу, табиийки, тизимни ислоҳ этиш ва соғлом авлодни шакллантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг молиялаштирилишида муҳим аҳамиятга эга.

2011 йилги Давлат бюджетида, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, келгуси йилда мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш тадбирларига Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси орқали 184,5 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. "Бюджетнома"да, шунингдек, иқтисодиётни ривожлантириш ва модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини изчил пасайтириш, инвестиция муҳитини яхшилаш асосида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган яна бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Шу ўринда сенаторлар томонидан маъқулланган "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Негаки, ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг 2011 йилги солиқ ва бюджет сиёсати асосида ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Солиқ кодексларига, шунингдек, "Бож тарифи тўғрисида"ги ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўламаганлик учун хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахсларига ҳамда ходимлар сонини яширганлик учун фуқароларга ва мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик чоралари белгиловчи янги $49^3$ ва $175^5$-моддалар билан тўлдирилган.

"Бож тарифи тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритилаётган ўзгартишга кўра эса, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар томонидан ёки уларнинг буюртмалари бўйича бюджет маблағлари ҳисобидан ўз эҳтиёжлари учун мамлакатимизга олиб кириладиган товарлар учун божхона божини тўлашдан озод этиш бўйича имтиёз бекор қилиниши назарда тутилаётир.

Ушбу Қонун билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 14 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг шу йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2011 йилнинг 1 январига қадар истеъмолда бўлган мол-мулк савдоси бўйича бозорлардан ташқари барча ихтисослаштирилган ва буюм бозорларини турғун савдо шохобчаларидан иборат бўлган савдо комплекслари этиб қайта ташкил қилиш белгиланган. Ушбу ҳужжатда, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинадиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қиймати ҳар йили маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланиши қайд этилган. Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 386 ва 387-моддаларига тегишли қўшимчалар киритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжатлар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш орқали иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Абдурашид АЛТИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистонда телекоммуникация соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш асослари ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вакиллари, соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.***

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Телекоммуникациялар тармоғини реконструкция ва модернизация қилиш натижасида бугунги кунда мобиль алоқа, ахборот узатиш, интернет тармоғига уланиш, электрон алоқа хизматлари сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшиланди. Шунингдек, соҳанинг ЯИМга қўшган улуши ўсиб, чет эл ва маҳаллий инвесторларни кенг миқёсда жалб этиш имконияти ортди. Хусусан, жорий йилнинг шу даврига қадар тизимда ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 5,5 фоизга ўсди. Эътиборлиси, ҳозирда мобиль алоқа абонентлари сони 19 миллион нафардан, интернетдан фойдаланувчилар сони эса 6 миллиондан ошди. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда замонавий алоқа ва ахборот технологиялари соҳасининг кенг кўламда тараққий этаётганидан далолат беради.

Маълумки, телекоммуникация тизимини ривожлантириш йўналишларидан бири — рақамли технологияга ўтиш ҳисобланади. Шу асосда корхона, ташкилот ва муассасаларга кўплаб янги хизмат турларини таклиф этиш, айниқса, давлат бошқаруви органларига ахборот технологияларини кенг жалб қилиш, кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш миллий тизимини такомиллаштириш, ахборот хавфсизлигини мустаҳкамлаш, электрон ҳужжат алмашинувини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, давра суҳбатида телекоммуникация соҳасига оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича сўз юритилди. Ушбу соҳа фаолиятини тартибга солувчи "Алоқа тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига замон талаблари асосида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан иштирокчиларнинг бир қатор амалий таклифлари билдирилди. Шу билан бирга, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳам ушбу масала юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этишди.

— Бугун ҳаётимизни компьютер технологияси, глобал интернет тармоғисиз тасаввур этиш мушкул, — дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Ф. Солиев. — Қолаверса, телекоммуникация соҳасини модернизация қилмай туриб, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди. Шу боис мазкур тизимни иқтисодий жиҳатдан либераллаштиришга қаратилган нормалар қонунчиликда ўз аксини топиши айни заруратдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари эса, такомиллаштирилаётган қонунлар ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланишда ҳар бир фуқарога тенг имкониятлар яратиши масалаларига эътибор қаратдилар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари миллий ахборот маконини ривожлантириш ва муҳофаза қилишга оид нормалар телекоммуникация соҳаси қонунчилигида акс эттирилиши зарурлигини алоҳида таъкидлашди. Уларнинг фикрича, миллий телекоммуникация тармоғи миллий ахборот маконининг асосини ташкил этиб, у миллий ахборот ресурслари ва ахборот тизими ривожида муҳим омилга айланмоғи даркор.

Ўз навбатида, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари замонавий телекоммуникация технологияларини изчил жорий этиш, рақамли телефон алоқасини ривожлантириш партия сайловолди платформасининг устувор йўналиши эканини яна бир карра таъкидлаб ўтдилар.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР — ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг 2009 йил 4 августдаги Сургил кони базасида конни ўзлаштириш билан Устюрт газ-кимё комплексининг қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига кўра, Устюрт газ-кимё комплекси объектлари инфратузилмасини қуриш ҳамда "Сургил" газ-конденсат конини ўзлаштириш унитар корхонасининг ташкил этилиши эса бу борадаги ишларни янада жадаллаштирди.

— Айни пайтда "Сургил" конидаги 24 та қудуқдан кунига 4,8 миллион кубометр газ ҳамда 126 тонна газ конденсати олинмоқда, — дейди унитар корхона раҳбари Олим Оринбоев. — Албатта, бундай йирик лойиҳани юзага чиқариш учун тажрибали мутахассислар зарур. Шу боис махсус ихтисосликка эга бир гуруҳ ёшлар синов асосида танлаб олиниб, "Шўртан" газ-кимё мажмуасига тажриба ошириш учун юборилди. Келгусида комплексимиз мутахассислари сафини Тошкент кимё-технология институти, унинг Қўнғирот сода заводи қошидаги филиали, Тошкент давлат техника университети ва Қорақалпоқ давлат университети битирувчи талабалари ҳисобидан тўлдириш ниятидамиз. Бундан ташқари, ҳозир ишчиларимиз учун қуриладиган шаҳарча лойиҳаси ҳам тайёр. Уни амалга ошириш учун 2011 йилда 147 миллиард сўм ажратиш режалаштирилган.



Мухтасар қилиб айтганда, ушбу лойиҳанинг тўлиқ жорий этилиши табиий бойликларимизни хом ашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот этиб ишлаб чиқариш имкониятимизни янада кенгайтиради. Бу, ўз ўрнида, халқимиз турмуш даражаси фаровонлашувига, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

***Андижонда республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Фертиль ёшдаги аёллар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашнинг замонавий профилактик йўналишлари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

**Анжуман**

Мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқот институтлари етакчи мутахассислари ҳамда бир қатор хорижлик олимлар иштирок этган анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар улкан самаралар бераётганини қайд этдилар. Жумладан, бугун жойлардаги шифо масканлари энг замонавий ташхис-даволаш аппаратлари билан тўлиқ жиҳозланмоқда, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасида тарғибот ишлари амалга оширилаяпти. Барча вилоятларда Саломатлик ҳафталиги тадбирлари ташкил этилиб, унда туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилаётир.

Тадбирда шу хусусда сўз борар экан, мутахассислар галдаги долзарб вазифаларга ҳам алоҳида тўхталдилар. Хусусан, чақалоқлар юқумли хасталикларга чалинишининг олдини олиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, исталмаган ҳомиладорлик, наслдан-наслга ўтувчи касалликларни камайтириш борасида изчиллик билан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар бўйича билдирилган таклифлар шулар жумласидандир.

Икки кун давом этган анжуман доирасида ёш олимларнинг илмий тадқиқотлари таҳлилига бағишланган шўъба йиғилишлари ва улар учун таниқли олимларнинг маҳорат сабоқлари ташкил этилди.

**М. ОТАМИРЗАЕВА.**

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА КЕНГ ЙЎЛ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Албатта, дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Лекин улар орасида энг самаралиси ва мақбули, бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун кенг йўл очиб беришдир. Мазкур соҳани қўллаб-қувватламай туриб, иқтисодий ўсишга эришган, ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилган, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлган бирор бир давлат йўқ. Қайси бир тараққий этган мамлакат тажрибасига эътибор қаратманг, айнан тадбиркорлик соҳаси ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганига гувоҳ бўласиз. Масалан, ҳозир "кўҳна қитъа"нинг Германия, Финляндия, Норвегия, Швеция сингари аксарият давлатларида мавжуд иш ўринларининг қарийб 70 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келмоқда. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 50 фоиздан ортиқни ташкил этаётир. Хитой, Япония, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа мамлакатларда ҳам кичик бизнес етакчи ўринга кўтарилган. Биргина Хитойни оладиган бўлсак, ушбу давлат бугунги кунда нафақат қитъамизда, балки жаҳонда ҳам юксак салоҳиятга эгадир. Бу ерда экспорт ҳажмининг қарийб 60 фоизи кичик бизнес вакиллари ҳиссасига тўғри келаётгани соҳанинг мавқеини яққол кўрсатиб беради...

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йиллариданоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ўтган вақт мобайнида давлат тузилмаларининг тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш, уларнинг зарур ресурсларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини сотиши учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари бериш каби кўплаб қулайликлар жорий этилди. Бу амалда ўз самараларини кўрсатмоқда. Агар 2007 йилда кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,5 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил якуни бўйича бу кўрсаткич 53 фоизга етиши кутилмоқда. Ҳолбуки, 2000 йилда ушбу рақам 30 фоиз эди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янги иш ўринларини очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланиб бораётир. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Униб-ўсиб келаётган, куч-қувватга тўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун барча шарт-шароитни яратиб бериш борасида ҳам юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг қатор Фармон ва қарорлари эълон қилинди. Бу ўринда Президентимизнинг жорий йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини келтириб ўтиш жоиз. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай имкониятлар яратиш бўйича қатор имтиёзлар назарда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хусусий секторни ривожлантириш иқтисодий барқарорликка эришишнинг муҳим омили эканини доимо таъкидлаб келадилар. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратиш зарурлиги уқтирилди. "Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келди, — деди давлатимиз раҳбари. — Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади".

Мана шундай имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликда суяги анча-мунча қотиб улгурган, даромаду фойдани яхши тушунадиган, ҳам оиласи, ҳам мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшаётган ишбилармонларимиз сони йил сайин ортиб бораётгани қувонарлидир. Наманган шаҳридаги "Турбо пласт" хусусий корхонаси — шулардан бири. 2007 йилда ташкил этилган мазкур корхонада дастлаб енгил материал(пенопласт)дан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганди. Кейинчалик ушбу хом ашёдан турли қалинликдаги пенаполистирол листлар ва улар асосида қулай монтаж қилинадиган термопол плиталар ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

— Бу материаллардан уй-жой қурилишида фойдаланилса, улар хонадонни турли шовқиндан асрашга, ҳароратни бир хил меъёрда ушлаб туришга ёрдам беради, — дейди корхона раҳбари Акмал Сатторов. — Биз уй ва офисларни безашда урф бўлиб бораётган пенаполистирол карнизларни ҳам ишлаб чиқараяпмиз. Илгари у четдан валюта ҳисобига келтириларди. Харидорларимиз қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар барпо этаётган қурилиш ташкилотларидир. Корхонамиз ўз фаолиятини бошлаган дастлабки йили икки киши иш билан таъминланган бўлса, ўтган йиллар давомида қўшимча 8 та иш ўрни яратишга, маҳсулот турларини эса 9 тадан 33 тага етказишга муваффақ бўлдик. Буларнинг барчаси Президентимизнинг биз, тадбиркорларга эътибори самарасидир.

2011 йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши барчамизга катта қувонч ва кўтаринки кайфият бағишлади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам хусусий сектор фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор таклифларни билдирган эдилар. Айниқса, тадбиркорларни янада қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмаларини бажаришга уларни ҳам жалб этиш, шу орқали ўзини кўрсатишга имкон яратиб бериш тўғрисидаги фикрлари бизга янги куч бағишлади. Келгусида ўз салоҳиятимизни намойиш этиб, билдирилаётган мана шундай юксак ишончни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Тадбиркорлик соҳасига оид мисолларни ҳар бир туман ёки қишлоқдан келтиришимиз мумкин. Бу қарийб 20 йиллик мустақиллик даврида бизда ушбу йўналишда ўзига хос тажриба тўпланганидан далолатдир. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, асосан, савдо-сотиқ, хизмат ва алоқа соҳасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ривож топмоқда. Эндиликда саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил қилишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ҳамда фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида ҳам улар фаолиятини ривожлантириш зарур. Табиийки, келгусида илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақига йўл очиб бериш орқали соҳа мавқеи янги поғонага кўтарилади.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

| ЎзРТХБ котировкалари сўм/кг | УН олий нав 716,5 ▼ -8,7 | УН биринчи нав 517,9 ▼ -1,8 | УН иккинчи нав 466,4 ▲ +0,1 | ПАХТА ЁҒИ 1803,5 ▲ +1,1 | СУЛЬФАТ АММОНИЙ 191,7 ▲ +0,02 |
|---|---|---|---|---|---|

ЖАҲОН

# 24 соат ичида

**_Буюк Британия Бош вазири мамлакат ҳарбийларини Афғонистондан олиб чиқиш 2011 йилдан бошланишини маълум қилди._**

## Муддати маълум бўлди

Ҳозир Афғонистонда мазкур давлатнинг тўққиз мингдан кўпроқ ҳарбийси аксилтеррор амалиётларида иштирок этмоқда. Уларнинг аксарияти "Толибон" гуруҳи ҳаракати анча фаол бўлган Ҳелманд ва бошқа жанубий музофотларга жойлаштирилган.

Айтиб ўтиш жоиз, сал олдинроқ Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмерон Афғонистондаги мамлакат ҳарбийларини 2015 йилгача олиб чиқиш режасини қўллаб-қувватлаганди.

## Балиқчи кема ҳалокати

**_Жанубий Кореянинг балиқчи кемаси Антарктика ҳавзасига чўкиб кетган._**



Бу ҳақда "Франс пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Кўнгилсизлик оқибатида беш нафар балиқчи ҳаётдан кўз юмган, 17 нафари эса бедарак йўқолган. Йигирма нафар денгизчи қутқариб олинган. Жанубий Кореянинг Пусан порти маъмуриятининг билдиришича, кемада 42 киши бўлган. Улар орасида Жанубий Корея, Хитой, Индонезия, Россия, Вьетнам ва Филиппин мамлакатлари фуқаролари бор.

## Қайтаришини талаб қилмоқда

**_Нью-Йорк федерал захира банки АҚШнинг йирик "AIG" суғурта компаниясига ажратган 21 миллиард доллар миқдоридаги маблағи қайтарилишини талаб қилмоқда, дейилади "BBC News" хабарида._**

Агар муассаса сармояни тўлашдан бош тортса, унинг тасарруфидаги "American Life Insurance" компанияси акциялари кимошди савдосига қўйилади.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, "AIG" АҚШда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида таназзулдан сақлаб қолинган камсонли компаниялардан бири саналади. Бунда ҳукумат томонидан унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 182 миллиард доллар миқдоридаги молиявий кўмак асосий омил бўлди. Ушбу маблағнинг 21 миллиард доллари Нью-Йорк федерал захира банки томонидан йўналтирилган эди.

## Ҳамкорлик битими имзоланди

**_Испаниянинг "Барселона" футбол клуби Қатарнинг "Qatar Foundation" нотижорат ташкилоти билан ҳамкорлик битимини имзолади._**

Беш йилга мўлжалланган мазкур келишувнинг миқдори 150 миллион еврога тенг. Ундаги шартларга кўра, кейинги мавсумдан бошлаб клуб аъзолари ана шу ташкилот тимсоли туширилган либосларда тўп суришади.

Ҳозиргача жамоа мусобақаларда ЮНИСЕФ ташкилоти рамзи акс эттирилган спорт кийимларида қатнашиб келади. Устига-устак, клуб мазкур халқаро ташкилот ҳисобига ҳар йили 1,5 миллион евро миқдорида маблағ ҳам ўтказиб беради. "Барселона" мутасаддилари бундан буён ҳам футболчилар либосларида ЮНИСЕФ рамзи сақлаб қолинишини билдиришди. Айни пайтда икки тимсолни футбол кийимларида қандай жойлаштириш бўйича намуналар тайёрланмоқда.



*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

**_Қишлоқ жойларда замонавий иншоотлар барпо этиш ва шу орқали аҳоли учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шу мақсадда жойларда минимаркет, сервис хизмати шохобчалари қурилаяпти. Шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилаётган ушбу мажмуалар харидорларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилаётир._**

# ҚИШЛОҚ ИНФРАТУЗИЛМАЛАРИ

## юртимиз кўркига янада кўрк қўшмоқда

монавий архитектура талаблари асосида барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир пайтлар ўзбошимчалик билан қурилган, ҳозирга келиб эскирган ноқонуний биноларнинг баҳридан ўтилмоқда. Жумладан, Хўжаобод тумани-

Маълумки, савдо дўкони харидорлар қадами узилмайдиган нуқтагина эмас, балки қишлоқлар ободлиги ва кўркамлигини белгилайдиган маскан ҳамдир. Шу боис бугун масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор

савдоси, уяли телефонларга хизмат кўрсатиш, уй-рўзғор буюмлари, шаҳарлараро сўзлашув, парфюмерия, тезкор фото, компьютер хизмати, гўзаллик салони, дорихона, спорт ва саноат моллари дўконларидан аҳоли мамнун

Бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. Масалан, Булоқбоши туманининг Қақир қишлоғида истиқомат қилувчи аҳоли илгари совундан тортиб, пойабзалгача туман марказидаги савдо дўконларидан харид қиларди. Кейинчалик қишлоқнинг ўзида дўкон ишга туширилди, аммо ундан қақирликлар кўнгли тўлмади. Чунки дўконга келтирилган кийим-бош ва буюмлар қишлоқ аҳолиси эҳтиёжларига унчалик мос эмасди.

Андижонни янада ободонлаштиришдек кенг кўламли ишлар давомида Қақир қишлоғидаги кўримсиз бинолар, шу жумладан, савдо дўконлари ўрнига кўркамлиги билан шаҳар дўконларидан қолишмайдиган мажмуа барпо этилди. Ҳозир унинг пештахталарини 120 хилдан ортиқ маҳсулотлар тўлдириб турибди.

— Тумандаги 35 та дўконнинг 32 таси кўркам биноларга кўчиб ўтди, — дейди Булоқбоши тумани савдо-ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти раиси ўринбосари Мадаминжон Отахонов. — Биз Самарқанддаги "Сино" очиқ акциядорлик жамияти, "Шаҳрихон милк" ва "Саҳий ватанпарвар" МЧЖлар, ўнлаб тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилаяпмиз. Аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, буюртмалар берилмоқда. Улар эса кундалик эҳтиёж моллярини ўз вақтида етказиб беришаётир. Масалан, тумандаги "Иссиқ нон" масъулияти чекланган жамияти жамоаси аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан пешма-пеш таъминлаб турибди.

Айтиш жоизки, бундай хайрли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги "Аҳоли пунктларини комплекс қуришда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарилишини назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга биноан, уй-жой, бино ва иншоотларни, шу жумладан, савдо, сервис хизмати кўрсатиш шохобчалари биноларини замонавий архитектура талаблари асосида барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бир пайтлар ўзбошимчалик билан қурилган, ҳозирга келиб эскирган ноқонуний биноларнинг баҳридан ўтилмоқда. Жумладан, Хўжаобод туманида 130 та ана шундай ноқонуний савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаси биноси аниқланиб, уларнинг 50 таси босқичма-босқич янгиланмоқда.

Туман марказидаги 2 та ошхона биноси бугунги кун талабига жавоб бермагани учун уларнинг фаолиятига чек қўйилди. Айни чоғда 12 та дўконнинг олд томони қайта таъмирланиб, замонавий кўринишга келтирилди. Бундан ташқари, Гулистон маҳалласида яшовчи Д. Мамадалиев, Ипакчи маҳалласидан С. Холматовнинг йўл бўйидаги эски усулда қурилган иншоотлари олиб ташланди. Саноат маҳалласида истиқомат қилувчи О. Рустамовага эса бир вақтлар дўкон қуришга туман ҳокимлигининг рухсати берилган эди. Бироқ бино қурилиши шаҳарсозлик талабларига мос келмагани учун тўхтатилди.

### Қарор ва ижро

Маълумки, савдо дўкони харидорлар қадами узилмайдиган нуқтагина эмас, балки қишлоқлар ободлиги ва кўркамлигини белгилайдиган маскан ҳамдир. Шу боис бугун масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, махсус комиссия томонидан Жалақудуқ тумани қишлоқларидаги 233 та шундай ноқонуний бино аниқланди. Жумладан, Навоий номли маҳаллада истиқомат қилувчи И. Бўронов, Сўфиқишлоқ маҳалласида яшовчи А. Боқиевнинг ноқонуний йўл билан тиклаб олган савдо дўконлари биноси бузилиб, уларнинг ўрнига кўркам ва шинам мажмуалар барпо этилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги замон талаблари даражасида ишламаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолияти ўрганилиб, тегишли чора кўрилмоқда. Масалан, Олтинкўл туманидаги 18 та дўкондан иборат маиший хизмат кўрсатиш, сервис ва савдо маркази бундан уч йил бурун барпо этилган бўлиб, дастлабки пайтларда ушбу марказ аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш орқали кўпчилик эътиборига тушганди. Айниқса, минимаркет, гиламлар савдоси, уяли телефонларга хизмат кўрсатиш, уй-рўзғор буюмлари, шаҳарлараро сўзлашув, парфюмерия, тезкор фото, компьютер хизмати, гўзаллик салони, дорихона, спорт ва саноат моллари дўконларидан аҳоли мамнун бўлаётганди. Боз устига, бу ерда ўнлаб янги иш ўринлари яратилган эди.

Энди-чи? Ҳозир уларнинг аксариятига қулф осилган. Пештахталардаги маҳсулотлар сийраклашиб қолгани боис харидорлар сафи ҳам камайган. Шу кунларда марказ фаолиятини қайтадан йўлга қўйиш устида иш олиб борилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, Андижон вилояти қишлоқларида замонавий савдо дўконлари ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш, пировардида аҳоли учун барча қулайликларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, юртимиз иқтисодиёти ривожига ўзларининг улкан ҳиссасини қўшиб келаётган қишлоқ аҳолиси ана шундай қулай шарт-шароитлардан баҳраманд бўлишга муносиб.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Танлов

# Қадриятлар бешиги

**_Фарғонада республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташаббуси билан "Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам" шиори остида ўтказилаётган "Менинг маҳаллам тарихи" анъанавий кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди._**

Унда танловнинг Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри босқичларида ғолиб чиққан маҳаллалар ўзаро беллашдилар.

Тадбир якунида Қўқон шаҳридаги "Шайхон" маҳалла фуқаролар йиғини ғолиб, деб топилди. Кейинги ўринлар Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Юсуф Саккокий номидаги ҳамда Чирчиқ шаҳридаги Ифтихор маҳаллаларига насиб этди.

**Н. СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# РАҒБАТ ВА ИМКОНИЯТ

## кичик бизнес ривожида муҳим аҳамиятга эга

**_Қўшкўпир туманидаги "Нурмуҳаммад тўйли" хусусий корхонаси иш бошлаганига кўп вақт бўлмаса-да, бу ерда тайёрланаётган алюмин эшик ва ромларга харидорлар бисёр. Талаб ва таклифни пухта ўрганган корхона раҳбари Қудрат Рўзметов эндиликда бундай маҳсулотларни пластикдан тайёрлашни ҳам йўлга қўйди._**

Айтиш жоизки, юртимизда Қудрат акага ўхшаган тадбиркорлар сафи кенгайишида Президентимизнинг 2009 йил 15 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Хоразм вилоятида 31823 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 69,6 фоизга етгани, иш билан банд бўлган аҳолининг 78,1 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Бунда, аввало, вилоятда соҳа вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этаяпти. Масалан, жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятдаги тижорат банклари томонидан тадбиркорларга барча манбалар ҳисобидан 81 миллиард 555 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар эвазига улар янги замонавий технологияларни харид қилиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқдалар. Ўтган даврда кичик бизнес субъектлари томонидан 8 миллион 17 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспортга чиқарилгани бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари, республика Товар-хом ашё биржаси Хоразм филиали орқали уларга 55 миллиард 775 миллион сўмлик моддий-техник ресурслар етказиб берилгани, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича изчил назорат олиб борилаётгани ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу эса пировардида аҳоли турмуш даражаси фаровонлашувига, вилоят иқтисодиёти юксалишига хизмат қилаётир.

### Жараён

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БУНЁДКОРЛИК МАНЗАРАЛАРИ

Жозиба. Ажойиб дизайн. Ихчам жумлалардаги теран мазмун. Асосийси, мамлакатимиздаги янгиланишларни тараннум этувчи ранг-баранг тасвирлар. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятида ўз ифодасини топиб келмоқда.

Мазкур уюшма вакиллари томонидан ишланган плакат ва панноларда истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган улкан бунёдкорликлар, шаҳару қишлоқларимиздаги ўзгаришлар, тафаккуримиздаги янгиланишлар, юртимизнинг гўзал манзаралари, самимий инсонлар акс эттирилиши анъанага айланган.

Уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими ижодий жамоаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда. Улар вилоятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзларига билдирилган ишончни адо этмоқдалар. Хусусан, Баркамол авлод йилига бағишлаб тайёрланган шиорлар, плакат ва паннолар вилоят шаҳарлари ҳамда туманлари кўркига кўрк қўшмоқда, десак муболаға бўлмайди. Турли саналар — Ватан ҳимоячилари куни, Наврўз айёми, "Ташаббус — 2010", "Универсиада — 2010" каби тадбирлар муносабати билан тайёрланган ижод маҳсуллари ҳам белгиланган жойларга ўрнатилиб, кўчалар, йўллар, иншоотларга ўзгача зеб бериб турибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида рекламанинг ўрни муҳим. Уюшмада ҳам реклама хизмати тўғри йўлга қўйилгани боис унинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Жумладан, "Шўртангазкимё" корхонаси, "Насаф" ва "Машъал" футбол клублари билан шартнома асосида яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

### Изланиш

— Фаолиятимиз катта масъулият талаб этади, — дейди "Тасвирий ойина" уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Дилшод Каримов. — Шунинг учун ҳар битта плакату паннони тайёрлашга алоҳида эътибор билан ёндашамиз. Зеро, мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимиздаги ривожланиш, модернизация жараёнлари ўз ифодасини топган ижод маҳсуллари серқатнов кўчалар, жамоатчилик жойларида ўрнатилади. Уларга кўпчиликнинг нигоҳи тушади. Юртдошларимиз шу орқали ишимизнинг мазмуни, жозибаси, сифати ва савиясига баҳо беради. Бу борада бизга кўрсатилаётган эътибор фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаган бўлардим.

Бугун серқатнов йўллар, одамлар гавжум жойларга ўрнатилган турфа плакат ва панноларга ҳар куни кўзимиз тушади. Муҳими, уларда Мустақиллик ютуқлари — юрт тинчлиги, фаровон ҳаёт манзаралари, одамларимиздаги шукроналик ҳисси ўз ифодасини топган. Бундай эзгуликни тарғиб этишда эса уюшма ва унинг вилоятлардаги ҳудудий бўлинмалари изчил ижодий фаолият олиб бормоқда.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА.** t

«МЕҲРЛИ САВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2011 йилнинг I чорагида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

**сариёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.**

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниёзбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

*Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2010 йил 29 декабрь соат 17.00 гача.*

1217R/1457

«Андижоннефть» ОАЖ

томонидан қазиб олинаётган 1 тонна нефтнинг нархи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 19-03-05-O`zR-48-2010 сонли реестрига асосан, 2010 йилнинг 13 декабридан ҚҚС билан **280572 сўм** миқдорида этиб тасдиқланди ва мазкур қиймат **2010 йил 27 декабрдан бошлаб амалга киритилади.**

1221R/1464

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАР
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари




Т/ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, "Ц" даҳаси, 6-уй (мўлжал — "Шуҳрат" дўкони жойлашган чорраҳа)







| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ОМИХТА ЕМ 222,9 ▼ -29,6 | ШРОТ 200,1 ▼ -3,9 | ШЕЛУХА 79,9 ▼ -1,0 | ПОЛИЭТИЛЕН B-Y 460 3620,7 ▲ +208,9 | ПОЛИЭТИЛЕН I-0760 3045,1 ▲ +231,2 | ПОЛИЭТИЛЕН I-1561 3335,2 ▲ +288,9 | МАЗУТ 409,2 ▲ +94,1 | СУЮЛТ.ГАЗ 1168,4 ▼ -299,3 | КЎМИР(бпк) 55,7 ▼ -1,1 |

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Япония пойтахти Токиода дзюдо бўйича “Катта дубулға” туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди.**

## Гран-при совриндорлари

2012 йили Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига муҳим рейтинг очколарини берувчи мазкур мусобақада дунёнинг энг кучли полвонлари ғолиблик учун куч синашдилар.

Аҳамиятлиси, беллашувда ҳамюртларимиз Дилшод Чориев ва Хуршид Набиев ўз вазн тоифаларида бронза медалларини қўлга киритди.

## Шахматчиларимиз кучлилар сафида

**Туркияда шахмат бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Бутунжаҳон шахмат Олимпиадаси якунланди.**

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган Жаҳонгир Воҳидов, Олег Артеменко, Искандар Орипов ва Алихон Ҳусейинов 22 очко тўплаб, элликка яқин мамлакат вакиллари орасида кучли олтиликдан жой олди.

**У. ҲАКИМЖОНОВ.**

## Пойтахтлик футболчилар муваффақияти

**Бухоро шаҳрида 1997 йилда туғилган болалар ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди.**

Ёшлар ўртасида футболни янада оммалаштириш, иқтидор эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мусобақада мезбонлардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Андижон вилоятлари ва Тошкент шаҳри жамоаси ғолиблик учун кураш олиб борди.

Финалда саралаш беллашувларини муваффақиятли ўтказган Бухоро вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари куч синашди. Учрашувда пойтахтлик ёш футболчилар 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, бош соврин билан тақдирланишди. Иккинчи ўрин Бухоро, учинчи ўрин эса Андижон вилояти жамоасига насиб этди.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИК МЕВАСИ

**Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасини тинглаб, барчамиз яна бир карра шу юрт фарзанди эканимиздан чексиз ғурурландик.**



Айниқса, спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларни эътироф этган ҳолда, спортчиларнинг номларини бирма-бир тилга олиб ўтганларида, қалбимизни ўзгача ҳаяжон ва фахрланиш ҳисси қамраб олди.

Албатта, ҳеч бир муваффақиятга ўз-ўзидан эришилмайди. Бунинг учун, аввало, эътибор ва етарли шарт-шароит зарур. Фақат шу орқалигина киши кўнглидаги эзгу орзу-ниятлари, мақсадлари рўёбини кўриши мумкин. Мамлакатимизда барча соҳалар қатори спорт равнақи учун ҳам давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда.

Мен ҳозиргача нимаики ютуқларга эришган бўлсам, бари-барини ана шундай беқиёс ғамхўрликнинг меваси, деб биламан. Каноэда эшкак эшиш спорт тури билан шуғуллана бошлаганимга етти йилдан ошди. Устозим Александр Пономарёв бошчилигида олиб борилган машғулотлар самараси ўлароқ, йигирма уч ёшимда икки карра жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари, шунингдек, қатор халқаро турнирлар ғолиби бўлдим.

Айниқса, 2010 йил мен учун омадли келди. Польшанинг Познань шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионати ва яқинда Хитойда якунига етган XVI Осиё ўйинларидаги иштироким фаолиятимдаги унутилмас дамлар бўлди. Жаҳон чемпионатида 71 мамлакатнинг энг кучли спортчилари қатнашди. Мен бу мусобақада амалдаги чемпион сифатида майдонга чиқдим. Шу боис масъулият ҳисси икки карра юқори эди. Ҳар гал мана шундай муҳим баҳслар олдидан Юртбошимиз, халқимиз ва яқинларимнинг қўллаб-

### Дил сўзи

қувватлаб турганини ҳис қиламан. Шу нарса руҳимга руҳ, билагимга эса куч қўшади, ўзимга бўлган ишончимни орттиради. Бундай пайтда сизга ҳеч ким бас кела олмайди. Бор имкониятимни ишга солиб, 1000 метрга эшкак эшишда кейинги йиллардаги асосий рақибларим Атилле Вайда (Венгрия), Себастьян Брендель (Германия)ни сезиларли даражада ортда қолдиришга муваффақ бўлдим. Ушбу ғалабам шарафига Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграган пайтдаги ҳолатимни сўз билан таърифлаш қийин. Мана шу кўрсаткичим туфайли 2010 йилда дунёнинг энг кучли каноэчиси, деб тан олиндим. Президентимиз Фармонига кўра, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Ўз навбатида, Юртбошимизнинг бу эътиборига спортда янада юксак чўққиларни забт этиш орқали жавоб бермоқчиман.

XVI Осиё ўйинларида ҳам тенгқурларим билан биргаликда юртимиз шанини муносиб ҳимоя қилишга интилдик. Умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олдик. Лекин бу биз учун ҳали чегара эмас.

Қитъа мусобақалари 2012 йили Лондонда ўтадиган Олимпиада ўйинлари олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ҳам ўтаб берганлигини таъкидлашни истардим. Ҳали орзуларим кўп. Энг асосийси, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритиб, юртимиз довруғини улуғлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

**Вадим МЕНЬКОВ,**
**каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари ғолиби, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.**



**Шашка бўйича қизлар ўртасида уч карра Осиё чемпиони, жаҳон чемпионати ва Бутунжаҳон Олимпиадаси бронза медали совриндори Сайёра Йўлдошева айни пайтда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтининг спорт ўйинлари факультетида иккинчи босқич талабаси.**

# САЙЁРАНИНГ ШАШТИ БАЛАНД

Яқинда Мўғулистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида катталар ўртасида ўтказилган V жаҳон чемпионати ҳам С. Йўлдошева учун омадли келди. Келгуси йили Голландия давлати мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма берувчи нуфузли мусобақада кучли шашка мактабига эга бўлган Хитой, Ўзбекистон, Мўғулистон, Япония, Вьетнам, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Қозоғистон, Афғонистон каби ўндан ортиқ мамлакат вакиллари медаллар учун кураш олиб борди.

Сайёра Йўлдошева гуруҳ босқичида ўн имкониятдан саккиз очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи гуруҳда яна бир ҳамюртимиз, бухоролик жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Нигина Бозорова биринчи бўлди. Шундай қилиб, финал ўйини ўзбекистонлик икки шашкачи ўртасида кечди. Қарийб тўрт соат давом этган баҳс дуранг натижа билан якунланди. Шундан сўнг ғолибни аниқлаш мақсадида тезкор шашка бўйича мусобақа ташкиллаштирилди. Унда Сайёра Йўлдошева зафар қучиб, тўртинчи бор қитъа чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди.

### Фахр

Жаҳон чемпионатига бериладиган икки йўлланмани ҳам дугоналар ўзаро бўлишиб олишди. Муҳим жиҳати, С. Йўлдошева ушбу муваффақияти эвазига халқаро тоифадаги спорт устаси талабини бажарди.

— Сайхунобод туманида шашка бўйича ўзига хос мактаб яратилган, — дейди С. Йўлдошева. — Мен ҳам етти ёшимдан шашка ўйнашни ўрганганман. Эришаётган натижаларим юртимизда спортга қаратилаётган эътибор натижаси, мураббийларимнинг машаққатли меҳнати меваси, деб биламан. Эндиги мақсадим навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам ғолиб бўлиш.

Осиё чемпионатининг эркаклар ўртасидаги беллашувларида Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, халқаро гроссмейстер Алишер Ортиқов юртимиз шарафини ҳимоя қилди. А. Ортиқов гуруҳ босқичида биринчи ўринни қўлга киритди. Финалда мўғулистонлик халқаро гроссмейстер Дул Ерденбилегга имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланди.

Якунда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Мўғулистон терма жамоаси иккинчи, Хитой шашкачилари эса учинчи ўриндан жой олди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** Сайёра Йўлдошева устози, халқаро гроссмейстер Алишер Ортиқов билан.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

**Навоий шаҳридаги “Фарҳод” маданият саройида “Қизилқум санъат ғунчалари” деб номланган анъанавий кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари вакиллари ўзаро беллашдилар.**

# САНЪАТИМИЗ ГУЛҒУНЧАЛАРИ

Маълумки, саккизинчи бор ўтказилаётган мазкур танловда илгари ҳам кўплаб иқтидорли ёшлар иштирок этишган эди. Улар орасида мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилган қатор нуфузли санъат фестивалларида муваффақият қозонганлар ҳам бор. Бинобарин, бугунги кунда улардан Шерзод Давронов, Суҳроб Кенжаев, Муслима Нуримбетова, Асад Раҳимов сингари бетакрор истеъдод соҳиблари санъатимиз ривожига ҳисса қўшиш йўлида интилмоқдалар.

Бу галги танловда ҳам санъатга ихлосманд ёшлар ўз қобилиятларини кўрсатишди. Беш кун давом этган тадбирда ёшлар қўшиқ, рақс, чолғучилик йўналишларида ўзаро беллашдилар.

— Бу каби тадбирлар ёшларимизнинг миллий қадриятларга эҳтиром руҳида камол топишлари, санъатга меҳр қўйиб улғайишларида муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди таниқли санъаткор Қўрқмас Сагатов. — Уларнинг мумтоз куй-қўшиқлар-

### Истеъдод

ни мароқ ва ҳавас билан ижро этишлари, саҳна одобига риоя қилишлари таҳсинга сазовор. Келажакда бу ёшлар орасидан етук санъаткорлар етишиб чиқишига умид қиламиз.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига мувофиқ, “Фарҳод” маданият саройининг хонандаси Ортиқ Қурбонов ҳамда “Бахтли болалик”, “Ширин”, “Соната” ва “Сказ” жамоалари танлов Гран-приси соҳиби, деб топилдилар. Шунингдек, “Афсона”, “Квинта”, “Табассум”, “Зебо”, “Экспрессия” жамоалари, Иса Алимусаев ва Жамелия Кузимбаева ҳам ғолиблар сафидан жой эгаллашди.

Мухтасар айтганда, танлов ёш санъаткорлар учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Зеро, унинг доирасида ташкил этилган турли маданий-маърифий тадбирлар, маҳорат сабоқлари ёшлар қалбида янада янги марралар, бундан-да улкан ютуқларга эришиш истаги бўй чўзишига сабаб бўлиши аниқ.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

**Қиш мавсуми бошланиши билан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортади. Бу эса ёнғин келиб чиқиш хавфининг ошишига сабаб бўлади.**

# ОЛДИНИ ОЛГАН АФЗАЛ

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 4 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, туманлари ва бошқа аҳоли пунктларида, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кучайтириш мақсадида қабул қилинган фармойишига асосан ўтказилаётган “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” доирасидаги тадбирлар ҳам юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Мазкур тадбирларда кузги-қишки иситиш мавсуми олдидан аҳоли тураржойлари, корхона ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши ҳолатини яна бир карра кўриб чиқиш жараёнида аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилади, — дейди Наманган вилояти Ёнғин хизмати бошқармаси бошлиғи, подполковник Бойназар Дадабоев.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ойлик давомида аҳоли пунктлари ҳамда бошқа бино ва иншоотларда ёнғиннинг олдини олиш бўйича кўрилган тайёргарлик ишларини назоратдан ўтказиб, ҳар бир объект бўйича тегишли далолатнома расмийлаштирмоқдалар. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида, шунингдек, меҳнат жамоаларида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўз самараларини бермоқда. Масалан, вилоятдаги “Наманган ҳудудий электр тармоқлари” очиқ акциядорлик жамияти, “Водийгазтаъминот” унитар корхонаси мутахассислари иситиш ва ёритиш тизими билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида бартараф этиб, ёнғин хавфини келтириб чиқарувчи ҳолатларга чек қўйишга эришмоқдалар.

Айни пайтда жойлардаги ёнғин хавфсизлиги тизими моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш ишлари ҳам изчил амалга оширилаётир. Жумладан, Учқўрғонда туман ёнғин хизмати учун бунёд этилган янги гараж ва идора биносида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Поп туманининг Ғурумсарой қишлоғида эса 3-касбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмининг янги биноси қурилиши ниҳоясига етди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Термиз ҳайвонот боғи шаҳарнинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, Амударёга туташ 22 гектар майдонни эгаллаган. Бу ажиб гўшада сут эмизувчилар, йиртқич ҳайвонлар, қуш ва паррандаларнинг жами 200 га яқин вакили сақланади.**

# ҲАЙВОНОТ БОҒИНИНГ «ЭРКАТОЙЛАРИ»

Яқинда ушбу боғда ғаройиб ҳодиса кузатилди. Гап шундаки, бу ерда парваришланаётган Ҳимолай айиғи болалади. Айни пайтда бир жуфт янги меҳмонни кўриш истагида ҳайвонот боғига келувчиларнинг қадами узилмаяпти. Нафақат мактаб ўқувчилари, балки катта ёшдагилар ҳам ноёб айиқ турига катта қизиқиш билдиришаяпти.

— Айиқлар шароитимизга бир қадар мослашган, айиқчаларнинг ривожи ҳам кўнгилдагидек, — дейди ҳайвонот боғи директори Баҳодир Тошбоев. — Лекин шер, йўлбарс, қоплонлар ҳамон бегонасираб туради. Бу йиртқичларнинг важоҳатлари қўрқинчли бўлса-да, табиатлари жуда нозик. Шунинг учун уларни

### Табиат ва биз

парваришлаш бирмунча мураккаброқ.

Боғда бошқа ҳайвонлардан ҳам насл олиш, уларни кўпайтириш устида изланишлар олиб борилмоқда. Гап кўпроқ шер, йўлбарс ва қоплонлар ҳақида кетмоқда, албатта.

Айтганча, бу йил боққа келтирилган туяқуш маҳаллий шароитга тезда мослашибди.

— Томошабинлар туяқушга қандай ҳайрат билан қарашса, ўзимизнинг оддий туяга ҳам шунчалик қизиқсиниб қарашади, — дейди Б. Тошбоев. — Чунки кейинги пайтда қишлоқларда ҳам туя камайиб кетди. Шунинг учун яқинда боғимизга 3 бош туя олиб келдик. Бу жониворларнинг сути, гўштидан тортиб, териси ва жуни ҳам шифобахш. Жамоатчилик билан бақамти ишлаб, қишлоқларда туя боқиш жойларини ташкил этиш ниятидамиз.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2010 ЙИЛ 13 НОЯБРДАН 3 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

**(Давоми. Боши ўтган сонда).**

20. «Қанд-шакар ишлаб чиқариш ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 190-Б-сонли буйруғи.*

**2010 йил 30 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2159 (2010 йил 10 декабрдан кучга киради).**

21. «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 3 ноябрдаги 10-8/4227, 31-сонли қарори.*

2010 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2032-1 (2010 йил 11 декабрдан кучга киради).

22. «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 5 ноябрдаги 95, 425-сонли қарори.*

**2010 йил 1 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1622-2 (2010 йил 11 декабрдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари. *Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2103, 2010 йил 17 май).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 12 ноябрдаги 257-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низом, 1-сон ўзгартириш. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 497, 1998 йил 8 октябрь), (рўйхат рақами 497-1, 2007 йил 17 май).

**Адлия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 273-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

3. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилаётган транспорт воситаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1430, 2004 йил 14 декабрь).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 274-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

4. Бюджетга қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва мансаб жадвалларини Молия вазирлигида ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби, 1 ва 2-сон қўшимча ва ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 849, 1999 йил 13 декабрь), (рўйхат рақами 849-1, 2000 йил 7 март), (рўйхат рақами 849-2, 2000 йил 18 ноябрь).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 275-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

5. Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети қарамоғида бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, шаҳар ва туманларининг маҳаллий бюджети қарамоғида бўлган муассасаларнинг харажатлар сметасини тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 888, 2000 йил 3 февраль).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 275-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 июлдаги ПФ-4224-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 2123, 2010 йил 20 июль).*

**Адлия вазирининг 2010 йил 19 ноябрдаги 276-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

7. Монополист корхоналар томонидан декларация қилинадиган нархларни қўллаш тўғрисидаги қоидалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1359, 2004 йил 20 май).

**Адлия вазирининг 2010 йил 30 ноябрдаги 277-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. Кимёвий-технологик объектларда авария вазиятлари тарқалишини чегаралаш ва бартараф этиш режасини ишлаб чиқиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалари. *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

2. Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникавий эксплуатация қилиш қоидалари (II бўлим)га ўзгартиришлар ва қўшимча. *Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

3. Полимер материалларни реактор орқали олишда хавфсизлиги қоидалари. *«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.**

**Мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин.**

**Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**

## ОБ-ҲАВО (15 декабрь)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 0-5, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Баъзи туманларда ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 3-8, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ҳарорат тунда 3-8 даража илиқ, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Кечаси 5-10 даража, кундузи 12-17 даража илиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиши кутилмоқда. Тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 13-18 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарорат тунда 6-8 даража илиқ, кундузи 16-18 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

*Аудиторлик ташкилотлари диққатига!*

**«O`zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi Axborot-hisoblash markazi»**
**давлат унитар корхонаси**

***корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича танлов эълон қилади.***

Танловда Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, устав капиталида давлат акциялари пакети (улушлари) 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналарда ташқи аудитни ўтказиш ҳуқуқига эга ташкилотлар қатнашиши мумкин.

**Даъвогарлар томонидан аризага илова қилинган ҳужжатлар муҳрланган конвертларда 2010 йил 23 декабрь соат 18.00 гача қуйидаги манзилга тақдим қилиниши лозим: 100017, Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 29-уй (Молия вазирлиги Ғазначилик биноси).**

**Қўшимча маълумотлар учун (8-371) 239-15-02, 232-69-58 телефонлари орқали мурожаат қилиш ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги АҲМнинг расмий сайтида танишиш мумкин. (www.it.mf.uz)**

1222R/1458

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги жамоаси вазир А. Жабборовга падари бузруквори, Ўзбекистон халқ шоири

**Жуманиёз ЖАББОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография Олий мактаби жамоаси тарих ўқитувчиси Ақида Шамсиевага турмуш ўртоғи

**Маҳамаджон ЯКУБОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзгўштсутсаноат” уюшмаси жамоаси биринчи бўлим бошлиғи

**Ғулом ХАДЖИМАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 143,7 ▲ +6,7 | ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 133,7 ▲ +10,3 | АРМАТУРА 2057,4 ▼ -154,1 | ШИФЕР (1 лист) 12854 ▲ +193,0 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 | Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 37513 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 22.20

1 2 3 4 5